



БОСҚИНЧИЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ТУШУНЧАСИ, БЕЛГИЛАРИ ҲАМДА КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИ

Убайдуллаев Жасурбек Абдурашидович

Судьялар олий мактаби тингловчиси

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10437458>

ARTICLE INFO

Received: 20th December 2023

Accepted: 27th December 2023

Online: 28th December 2023

KEY WORDS

Мулк, босқинчилик, жиноий
жавобгарлик, талон-тарож.

ABSTRACT

Мазкур мақолада . босқинчилик жиноятининг тушунчаси ва бу жиноятлар ҳақидаги қонун ва қонун ости меъёрларининг ривожланиши ҳамда босқинчилик жинояти ҳақидаги қонунларнинг ривожланиши қиёсий ҳуқуқий таҳлил қилинган.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида ўзгалар мулкани талон-торож қилиш жиноятлари шахснинг мулкий муносабатларини бузилишига, мулк ҳуқуқи дахлсизлигини паймол этилишига сабаб бўлади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасига мувофиқ, мамлакатимиз иқтисодиёти негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади¹. Мулк дахлсиздир ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади, унга қилинган ҳар қандай тажовуз қонунга хилоф деб ҳисобланади .

Талон-торож қилиш жиноятлари таркибида ўзгалар мулкани босқинчилик йўли билан талон-торож қилиш жинояти ўзга шахсларга оғир кулфат етказиб, шахснинг мулкий ҳуқуқларини бузилиши билан бирга унинг ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолишига ҳам сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам ушбу жиноятга оғир жазолар назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасида жиноятчиликка қарши олиб борилаётган давлат сиёсати қамровида талон-торож қилиш жиноятлари, жумладан босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноятлари ҳам доимий муаммо бўлиб келган. Шахс ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг тажовузлардан халос этиш жиноятчиликка қарши курашсиз бўлмайди. Шахснинг конституциявий ҳуқуқлари дахлсизлигини таъминлаш учун жиноятчиликка қарши аёвсиз кураш, мурасимсиз бўлиш билан эришиш мумкин.

Мулк – мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш бўйича мулк эгаси ва жамиятнинг бошқа аъзолари (мулкдор бўлмаганлар) ўртасида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатдир . Фуқаролик кодексининг 167-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида мулкнинг хусусий ва оммавий шакллари мавжуд. Фуқаролар, хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституция <https://lex.uz/docs/6445145>



бирлашмалари, ижтимоий фондлар ва бошқа нодавлат ташкилотлар хусусий мулк ҳуқуқининг субъектлари ҳисобланадилар.

Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаги, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида шаклланаётган ишлаб чиқариш усули билан иқтисодий сиёсатни амалга оширишнинг муҳим йўналишлари ўртасида жиддий қарама-қаршилик вужудга келади. Қарама-қаршиликнинг манбайини асосан иқтисодий масала ташкил этиб, мулкрий муносабатларнинг жиддий бузилиши билан хавфли ҳисобланади. Бу борада талон-торож қилиш жиноятлари мулкрий манфаатнинг бузилишига сабаб бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида мавжуд криминал ҳолатларга эътибор қаратилса, босқинчилик жинояти кўпайиб бораётганлиги таъкидланади. Агарда 2000 йили мамлакатимизда жами бўлиб 814 босқинчилик жинояти рўйхатга олинган бўлса, 2001 йили 860, 2002 йил – 984, 2003 йили 1043 тани ташкил қилган. 2004 йилда эса бу жиноятда камайиш юз бериб 971 тани ташкил қилган ва кўрсаткич йилма йил ошиб бормоқда. Бу жиноят энг кўп содир этиладиган ҳудудлар Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридир. Энг кам содир этиладиган ҳудуд Бухоро вилоятидир. Жумладан, 2002 йилда Тошкент шаҳрида – 422 та, Тошкент вилоятида 145 та босқинчилик жинояти рўйхатга олинган бўлса, шу йили Бухоро вилоятида 24 шундай жиноят рўйхатга олинган. 2003 йилда эса Тошкент шаҳрида – 434 та, Тошкент вилоятида 182 та босқинчилик рўйхатга олинган бўлса, Бухоро вилоятида ўша йили 29 та жиноят рўйхатга олинган. 2004 йилда эса, Тошкент шаҳрида – 424 та, Тошкент вилоятида 171 та, Бухоро вилоятида атиги 13 та босқинчилик жинояти рўйхатга олинган. 2010 йилга келиб анча камайганлигини (672 та) содир этилганлигини, талон-торож қилиш жиноятлари 2,5 % ни ташкил этган.

Ушбу жиноят айрим вақтда кўпайиб, айрим вақтда камайиб боришига қарамай талон-торож қилиш жиноятлари энг хавфли ва ўта оғир жиноят бўлиб қолаверади. Босқинчилик жиноятини содир этиш миқдоридан ҳам унинг содир этилганлигининг ўзи ўта оғир ҳодиса бўлиб ҳисобланади. Ушбу жиноят бир вақтнинг ўзида шахснинг икки (ҳатто ундан ортиқ ҳам бўлиши мумкин) ижтимоий муносабатига путур етказилиши билан хавфлидир. Бу жиноят икки ижтимоий муносабатга нисбатан жиний воқеа эканлигига эътибор қаратилса, содир этилган жиноятлар сони ҳам икки баробар ортиқ деб ҳисоблаш ҳам мумкин. Шахснинг мулкрий муносабатидан кўра, унинг соғлиғи ва ҳатто ҳаётига хавф солишининг ижтимоий хавфлилиги ортиқ деб ҳисоблаш ҳам мумкин. Суд амалиётида босқинчилик жинояти натижасида жабрланувчининг баданига оғир шикаст етказиш ва айрим ҳолларда унинг ҳаётдан маҳрум қилиш билан ҳам содир этилган жиноятлар кўплаб учрайди. Босқинчилик жиноятининг жабрланувчига бирдан ҳужум қилиш жараёнида жабрланув-чининг мулкидан ҳам унинг жони ёки соғлиғи муҳим бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам ушбу жиноятга қарши кураш доимий муаммо бўлиб келган ва муаммо бўлиб қолаверади. Ушбу жиноят содир этилиши жараёнида бошқа жиноятлар билан бирга содир этилиш ҳолати (қурол воситаси билан) бу жиноятни янада хавфли тус олишага сабаб бўлади.

Жиноят кодексининг 164-моддасида босқинчилик жиноятининг тушунчаси берилган. Унга кўра, ўзга шахснинг мулкрий талон-торож қилиш мақсадида ҳужум қилиб, унинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёки шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб қилинган тажовуз босқинчилик дейилади. Бу ўзга



шахс мулкини эгаллаш мақсадида жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли зўрлик ишлатиш ёки шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб тажовуз қилишнинг ўзи босқинчилик жиноятини ташкил этади ва шундай зўрлик натижасида ўзга шахснинг мулки ғайриқонуний эгаллаб олинади.

Босқинчилик жинояти тўғрисидаги қонунлар ўзининг ривожланиш хусусиятларига эга бўлиб, амалдаги қонун аввалги қонунлардан фарқ қилади. Босқинчилик жинояти 1927 йилдаги қонунда ҳатто давлатга қарши жиноят сифатида ўша вақтларда бўлган контрреволюцион жиноятлар тоифасига киритилиб, энг оғир ўлим жазоси назарда тутилган эди.

Ўша қонунда ҳам амалдаги қонун каби талон-торож ҳужум қилиш, бостириб кириш, хавфли зўрлик ишлатиш белгиларини ҳам назарда тутган. 1959 йилда қабул қилинган ЖКда босқинчилик тушунчаси 1926 йилдаги ЖКда назарда тутилган босқинчилик тушунчасидан фақат очиқ равишда талон-торож қилиш деган жумла билан фарқ қилган.

Бу жиноят икки объектли жиноят бўлиб, ўзга шахснинг мулкини эгаллаб олиш мақсадида жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғини хавф остида қоладиган ҳужум содир этади. Босқинчиликнинг муҳим хусусияти шундаки, айбдор мулкни эгаллаш мақсадида мулк эгасининг ёки мулк учун моддий жавобгар шахснинг ёхуд мулкни талон-торож қилишига тўсқинлик қилган ёки тўсқинлик қилиш мумкин бўлган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш орқали ўзганинг мулкини эгаллашга қаратилган ҳаракат содир этилади.

Собиқ Шўролар тузими давлат сиёсати таъсирида жиноят қонунларида ҳам шахс ҳуқуқи ва эркинликларини давлат манфаатларидан кейинги ўринга қўйиб келган. Жиноят қонуни принципларида аввало давлат манфаатлари барча ижтимоий муносабатлардан устун қўйилиб, давлат манфаати йўлида ҳатто шахсдан ҳам воз кечиш мумкин бўлган. Шахснинг мулкий муносабатларига ҳам иккинчи даражали масала сифатида ҳуқуқ ва манфаатлари поймол бўлишига йўл қўйилган. Давлат мулкига тажовуз қилганлик учун ҳатто ўлим жазоси билан жазолаш назарда тутилган бўлиб, шахснинг мулкига худди шундай тажовуз қилганлик учун енгил жазолар назарда тутилган эди. 1959 йилдаги Жиноят кодексига «босқинчилик» учун жавобгарлик Жиноят кодексининг иккита моддасида берилган эди. ЖКнинг 116-моддасида «Давлат ёки жамоат мулкини эгаллаб олиш мақсадида босқинчилик қилиш» ва ЖКнинг 127-моддасида «Гражданининг шахсий мулкини эгаллаб олиш мақсадида жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш ёки шундай зўрлик ишлатиш хавфи билан кўрқитиб қилинган тажовуз» босқинчилик дейилган.

Давлат сиёсати нафақат жиноят қонунларида ҳатто қонун ости меъёрларда ҳам ўз аксини топган эди. Жумладан, социалистик мулкка қарши жиноятларнинг суд амалиёти учун алоҳида СССР Олий суди қарори ва гражданининг шахсий мулкларига қарши талон-торож қилиш жиноятлари бўйича қарор бошқа қабул қилинган эди. Собиқ Шўролар тузими даврида ҳатто қонун устуворлиги принциплари ҳам қўпол бузилиши қонун ости меъёрларида белгилаб берилган эди. Жумладан СССР Олий суди пленумининг қоидалари гарчанд қонун ости меъёр деб аталишига қарамай Ўзбекистон қонунига зид бўлган ҳолда СССР Олий суди Пленум қарори амал қилиши белгилаб



берилган эди. Суд қонунга кўра эмас, СССР Олий суди пленум қарорига кўра жиноятни квалификация қилиши шарт бўлган. Давлат мулкни талон-торож қилиш жиноятлари бўйича бир неча бор қонун ости меъёрлари қабул қилиниб, доимий равишда такомиллаштириб борилган. Шахсий мулк ҳақида гапиришнинг ўзи социалистик принципларга тўғри келмас эди. Бу шахсий мулкнинг бемалол паймол этилишига имкон эди.

Ўзбекистон Республикасида мустақилликдан сўнг шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларига бўлган муносабат тубдан ўзгариши сабабли барча соҳаларда бўлгани каби, жиноят қонунларида ҳам тубдан ўзгартирилиб, шахснинг ҳуқуқ ва манфаатлари олий қадрият этиб белгилаб берилди. Жамиятда суд-ҳуқуқ ислоҳоти эълон қилиниб, шахс ҳуқуқ ва манфаатларини бузувчи қонун-қоидалардан воз кечилди, ҳақиқий фуқаролик жамияти қуриш вазифаси қўйили, жиноят қонунларини либераллаштириш тамойили асосий ғоя қилиб олинди. Жамиятда ишлаб чиқариш, тадбиркорлик, эркин савдо муносабатларига эркинлик берилиб, собиқ Шўролар тузими даврида жиноят ҳисобланган муносабатлар тубдан эркинлаштирилди. Аввалги мулк шакллари тубдан ўзгартирилиб, барча мулкларга бўлган муносабатлар тенглаштирилди, шахсий ва жамоа мулкларига бўлган муносабатларга эътибор кучайтирилди, эркин фуқаролик жамияти яратиш учун барча шарт-шароитлар яратилди. Ҳар бир шахс меҳнатига яраша бойлик орттириш, тўқ ва фаровон яшашга имкониятлар яратилди. Собиқ Шўролар даврида бойлик орттирган шахсларни “қулоқ” қилиниб, мулклари давлат ҳисобига тортиб олиниб, ўзларини бошқа жойларга сургун ёки бадарға қилиб юборишлар бўлган эди.

Амалдаги Жиноят кодексининг 164-моддасида давлат ва шахсий мулкка бўлган фарқ олиб ташланиб, барча мулк шакли учун бир хилда жавобгарлик белгиланди.

Амалдаги ЖКнинг 164-моддасида талон-торож қилинган мулкнинг миқдорига қараб жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатлари белгиланди.

Учинчидан, ЖКнинг 164-моддасида шахснинг қонуний мулкни ҳимоя қилиш назарда тутилиб, фуқаролик муомаласидан чиқарилган мулкни талон-торож қилиш, яъни ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар, портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда эгаллаш учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 247-моддасида, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш учун ЖКнинг 251-моддасида ва гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаши учун жиноий жавобгарлик ЖКнинг 271-моддасида босқинчилик учун жавобгарликдан чиқариб, юқорида кўрсатилган алоҳида-алоҳида моддаларда белгиланди.

Босқинчиликнинг предмети – ўзга шахснинг мулки бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси пули, чет эл валютаси, қимматли қоғозлар (акция, облигация, вексел, чеклар, сертификатлар), ойлик йўл чипталари, метро ва телефон жетонлари, кўчар мулклар ва бошқа моддий қийматга эга бўлган нарсалар ҳисобланади.

Кўчмас мулклар, бирон бир ўзгаришлар киритилмасдан фойдаланиш мумкин бўлмаган қоғозлар босқинчиликнинг предмети бўла олмайди.

Ўзбекистон мустақиллигига эришиши натижасида 1994 йил



22 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг янги Жиноят кодекси қабул қилинди. Янги Жиноят кодекси Ўзбекистон давлатчилиги асосида миллий анъаналарга асосланган янги таҳрирда баён этилди. Шунга асосан, босқинчилик учун жавобгарлик ЖКнинг 164-моддасида назарда тутилган бўлиб, 1959 йилда қабул қилинган ЖКнинг 116 ва 127-моддаларида берилган тушунчалардан фарқ қилди.

Босқинчиликнинг амалдаги тушунчасидан тажовузнинг очиқ ёки яширин равишда бўлиши қилмишни квалификация қилиш учун аҳамияти йўқлиги сабабли “очиқ равишда” талон-торож қилиш деган тушунча чиқарилди.

Масалан, айбдор жабрланувчига билдирмай, орқасидан яшириниб келиб, унинг бошига уриб қаршилигини енган ёки очиқ тажовуз қилиб мулкни эгаллаганликни квалификация қилиш учун аҳамияти йўқ.

Булардан биринчиси, ЖКнинг 164-моддаси тўрт қисмдан иборат таҳрирда баён қилинди.

Юқоридагилардан қуйидагича хулосага келишимиз мумкин:

Аввало, талон-торож қилиш жиноятларидан босқинчилик билан талон-торож қилиш жинояти ўта хавfli жиноят бўлиб, бу жиноят натижасида шахснинг мулкий муносабатларининг бузилиши билан бирга унинг ҳаёти ёки соғлиғига жиддий хавф туғдириши билан ўта хавfli жиноят ҳисобланади.

Иккинчидан, амалдаги қонун (164-м.) аввалги (1926 ва 1959 йиллардаги) қонунлардан фарқ қилади. Амалдаги қонунда мукамал ва жиноятнинг ижтимоий хавfliлигини ҳисобга олган ҳолда жавобгарлик белгиланган. Аввалги (1926 йилдаги) жиноят қонунида босқинчилик жинояти давлатга қарши жиноятлар туркумига киритилиб, объекти нотўғри белгиланган эди. Бу жиноят давлатга қарши жиноятлардан бўлганлиги объектининг нотўғри белгиланганлигини англатади.

Шунингдек, амалдаги жиноят қонуни (164-м.) 1959 йилдаги жиноят қонунидан ҳам фарқ қилади. 1959 йилдаги жиноят қонунида мулк масалалари тўғри белгиланмаганлиги учун давлат ёки жамоат мулкни босқинчилик билан талон-торож қилиш (116-м.) ва шахсий мулкни босқинчилик билан талон-торож қилиш (127-м.)дан ажратилган эди ва шахсий мулкни босқинчилик билан талон-торож қилишга нисбатан оғир жазолар назарда тутилган. Шахсий мулкни босқинчилик билан талон-торож қилиш учун енгил жазолар назарда тутилганлиги мулкий муносабатларга бўлган эътибор нотўғри ҳал қилинганлигидан далолат беради. Қонундаги бу камчилик ва ноҳақликларга мустақиллик шарофати билан 1994 йил 22 сентябрда янги Жиноят кодекси қабул қилиниб чек қўйилди.

References:

1. Шавкат Миромонович Мирзиёев. Буюк келажгимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари. /Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: : “Ўзбекистон”, 2017. – 488.



2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон, 2023.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. 1994 йил 22 сентябрь. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами Кенгашининг Ахборотномаси, 2023 й., 4-сон.
4. Анденес И. Наказания и предупреждения преступлений. / Перевод с англ. языка под ред. Б.С. Никифорова./ Москва, 1979.
5. Абдуқодиров Ш.Ё. Мирзаев У.М. Ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш: Жиноят кодекси Махсус қисми Х бобига шарҳлар. Ўқув қўлланма. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф.Қ.Абдурасулова. – Т.:ТДЮУ, 2013 – Б. 4.